

**Розия ХОЛХҮЖАЕВА**



**Йўлингдан  
адашма**

### САБОҚ

Саид аканинг икки ўғли бўлиб, иккиси ҳам ота изидан боришди. Отаси каби намозхон, ишбилармон бўлишиб, онасининг қувончига-қувонч қўшишди. Саид ака араб алифбосидаги катта китобларни севиб ўқирди. Шунинг учун баъзан ота-оналар болаларини ўқитиш учун хар қуни унинг олдига жўнатишар эди. Эр-хотин Равшан ака ва Роҳатой опа ҳам Саид аканинг билимдонлиги, беозорлигини хавас қилиб, ёлғиз ўғиллари Дилмуродни ўқитгани беришди. Дилмурод ота-онасининг ишончини оқлаб, тез орада эски ўзбек ёзувини ўрганиб олди. Лекин кейинги пайтларда нимагадир Дилмурод Саид аканикига ўқишга чикмай қўйди. Ота-онаси кутилмаган бу ходисадан ёка ушлашди. Ўзлари-ча ўғлимизга кўз тегди шекилли, деб ҳам ўйлашди.

Равшан ака ўғлига гап котди:

- Ўғлим, сенга нима бўлди, ўқишга чикмай қўйдинг-ку?

- Ўзим хохламаяпман.

- Нима учун? Ё у ерда биров дилингни оғритдим?

- Йўқ, дада, аксинча, менга яхши гапиришади.

Равшан ака хотинига ўғли билан бўлган суҳбатни айтиб берди. Улар ўзлари-ча ўғлимизнинг зехнига кўз

теккан деган хулосага келишди. Дилмуродни катта домлага олиб бориб, куф-суфлатиб келишди. Домла унга ёмон кўзлардан асрасин деб тумор килиб берди.

Орадан анча вақт ўтгач, Равшан ака билан Роҳатой опа ёлғиз ўғилларини яна Саид акадан сабоқ олишга ундашди, аммо Дилмурад мутлако унамади.

Эр-хотин нима килишларини билмай, тушкунликка тушиб туришган эди, уларни ортикча кийнагиси келмаган Дилмурад гапириб қолди:

- Дада, ойи, сизларга муаллимимиз хикоя килиб берган бир воқеани айтиб берайми?

- Майли, ўғлим, айт-чи, жон қулоғимиз билан эшитамиз, - деди Саид ака.

- Қадим замонда сон-саноксиз девлар бор экан, - деб хикоя қила бошлади Дилмурад. - Улар ҳам одамларга ўхшаб ерда яшаган эканлар. Ям-яшил майдонда жажжи болақайлар қувнаб ўйнашар экан. Аммо девлар пайдо бўлгач, улар бемалол ўйнай олмай қолишибди. Девлар уларга хужум қилишиб, ўтакаларини ёриб, айримларини қопга солиб олиб кетишибди. Бир куни девларнинг бошлиғи йўлда кетаётса, адир томонда додфарёд эшитилибди. Дев адирга чиқиб, қонга беланган болаларни кўрибди. Бундан юраги эзилиб, ўзларининг қилмишларидан уялиб кетибди. У барча девларни тўплаб, бундан кейин болақайларга зиён етказмаслик, аксинча, уларга ҳамма нарсада ёрдамлашиб туришга даъват этибди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қолмас деганларидек, айрим девлар бошлиқдан яширинча хозиргача болаларни азоблаб келишар экан.

Дилмурад шу ерга келганда жимиб қолди. Ўғли ўз хикоясини тугатганини сезган Равшан ака унга деди:

- Хозир ҳам шундай девлар бор демокчимисан?

- Ҳа...

- Ўғлим тушмагур-ей, девлар афсона-ку, - деди Роҳатой опа қулиб.

- Йўқ, - деди Дилмурад жиддий оҳангда, - бундай

девлар бизнинг замонимизда ҳам бор. Улар биз билан бир маҳаллада яшаб келяпти.

Эр-хотин бу гапдан кейин Дилмуродга анграйиб қараб қолишди. Орадаги жимликни яна Равшан ака бузди:

- Нима бўлди, ўғлим, ҳеч нарса ни яширмай айтавер.  
- Ривоятдаги девлар болаларни кўрkitиб, уларни қонга белашса, маҳалламиздаги айрим обрўли одамлар бизга ўхшаганларнинг қалбини захарлаяпти. Улар девдан ҳам хавфлироқ.

Дилмуроднинг бу гапи Равшан ака билан Рохатой опани янада сергак торттирди. Энди Рохатой опа сўради:

- Болам, нимани назарда тутяпсан, яширмай айтавер.

- Саид ака домла одам бўлишига қарамай, кечкурунлари арок, сигарет сотади. Яна бизга ичманглар, чекманглар, дейди. Қайси гапига амал қилайлик... - Дилмурод ерга тикилиб қолди.

- Тирикчилик, ўғлим, - деди Равшан ака, - бола-чақани боқай деб шу ишни қилади-да, сен бунга парво қилма. Ахир ўзи чекмайдиам, ичмайдиам.

- Биз айтган гаплари қилган ишига тўғри келмаётганлиги учун унинг кўлида ўқимайдиган бўлдиқ.

Эр-хотин Дилмуроднинг бу гапига эътироз билди-ролмай ўтириб қолдилар. Дилмурод ташқарига чиқиб кетгач, Равшан ака хотинига деди:

- Ёш бола бўлсаям, тушунганини қара, онаси. Мен унинг сўзлари олдида мотман, энди ўқишга чик деб мажбурлай олмайман. Шу гўдақ сезган нарса ни биз, катталар сезмаганимизни қара-я! Домланинг айтганини қил-у, аммо қилганини қилма, деганлари бежиз эмас экан-да!

### **ЎҚИНЧ**

Муроджон хотинини олиб Тошкентга қайтди. Улар жўнаб кетгач, Бойхўжа ака ҳар қуни ичиб келадиган

катта ўғли ва келинининг кесатик гапларидан безор бўлди.

- Дада, суюкли ўглингиз келиб, кайфиятингиз анча кўтарилиб қолганди, энди улар кетиб шаштингиз пайсайгандек кўринадими? Хотиниям худди ўзига ўхшайди-я, нукул ақл ўргатади, баччағар!

- Қўйсанг-чи, Эркин, иккалангизни ҳам бирдай кўраман.

- Бу билан ёмон бўлсанг ҳам сени яхши кўраман, демокчимисиз?

Бойхўжа ака нимадир демокчи бўлди-ю, аммо ўглининг жахли чиқиши ёки беҳосдан бақириб юборишидан чўчиб, индамай кўяколди.

У анчадан бери оғриётган эди. Эркиннинг аччик, кесатикли гаплари унинг касалини баттар оғирлаштирди. Касали зўрайиб, ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолди. Эркатоё ўғил ва баджаҳл келин Бойхўжа акани баттар жеркиб, дилини хуфтон қилишарди, ҳатто овқатдан ҳам қисиб қўйишди.

Бу ҳақда Муроджонга кимдир маълум қилган шекилли, дарҳол Тошкентдан етиб келди. У отасининг олдидан узоққа кетмас, ўзи овқатлантирар эди. Кундан-кун дадасининг ахволи оғирлашаётганидан безовта бўлиб, унга парвардигордан умр сўрарди. Бу орада акасининг хотини арзимаган нарсани баҳона қилиб, онасиникига кетиб қолди. Муроджоннинг хотини Тошкентдан келиб, қайнотасининг олдидан жилмай, унга қарай бошлади. Унинг уст-боши, кўрпа-тўшаги тоза бўлиб, кўргани қирган одамлар аввалгидек ёқимсиз хиддан тез туриб кетмайдиган бўлишди. Ахволи анча яхшилангач, Бойхўжа ака Муроджонга деди:

- Соғлиғим яхшиланиб қолди, энди мендан хавотирланмай, ортингга қайтиб, талабаларингга дарсингни бер. Қанча ёшлар илмингга мушток бўлиб туришибди. Касални берган парвардигор давосини ҳам беради, мендан кўнглинг тўқ бўлсин.

- Сиз хижолат бўлманг, дада, мен ҳам, келинингиз

хам шошаётганимиз йўк. Сизни шу ахволда ташлаб кетолмаймиз.

- Мен, Берлингача етиб фашистларнинг адабини берган одам, мана бугун тўшакка миҳланиб, уйни хожатхонага айлантириб ётибман, - деди Бойхўжа ака кўзига ёш олиб, - бундай бўламан деб ҳеч ўйламаган эдим...

Эшик олдида кулоқ солиб турган Эркин ўзича гудраниб, ташқарига чикиб кетди. Кечагина онасиникидан қайтиб келган унинг хотини эшиттириб қарғади:

- Бировга боқиманда бўлиб ётгандан кўра ўлган яхши эмасми, яна тилиям бор бунинг.

Бойхўжа ака ёш тўла кўзларини шифтга қадади.

Икки хафтача ўтиб, Муроджон дадасининг ахволи анча яхшиланганини кўргач, ўшанда ҳам дадасининг кистови билан, хотинини олиб Тошкентга кетди. Хотини оғирроёқ бўлганлигидан у ёкдагилар хижолат чекиб қолиши мумкин эди. Муроджон институтдан бир-икки хафтага руҳсат олиб, дадасининг олдига қайтмоқчи эди. Бойхўжа ака ўғли билан келинини узок дуо қилиб қолди.

Афсуски, улар кетгач, Эркин билан келиннинг илмоқли гаплари, камситишларига чидай олмаган Бойхўжа аканинг дарди яна оғирлашди. Кўни-кўшниларининг инсофга чақиришлари ҳам уларни йўлга солмади. Келин бир коса овқатни қайнота олдига тўк этиб қўйишнингина биларди. Бойхўжа ака ётган хонага бир кунда бир мартагина киришар, ўшанда ҳам тезда бурнини жийириб қайтиб чиқишарди. Бемор ниҳоятда оғир ахволда қолди. У шу кунидан ўлимни афзал кўра бошлади.

Сўнгги кунларда у овқат ҳам емай қўйди. Гўё у қарва кўр эди. Ҳеч кимга гапирмас, шифтга тикилиб ётганча ниманидир ўйларди. Орадан бир хафта ўтгач, у бу азоблардан бира тўла қутулди. Бойхўжа ака шифтга кўз тикканича жон таслим қилган эди. Бу биргина унинг ўлими бўлмасдан, Эркин ва унинг ноинсоф хотинининг ҳам ўлими эди.

Муаззам ўз бахтини излаб шаҳарга ишга кетди. Бахтига, шаҳарнинг қок марказидаги техникумдан иш беришди. У опаларига ўхшаб боши ишдан чикмайдиган қишлоқда эмас, шаҳарда севиб-севилиб яшашни истарди. Қишлоқда завод, фабрика, олий ўқув юртлиари йўқ, айниқса, мактабдаги дарс талашишлари айтмайсизми. Муаззам расмдан дарс берар, ўз фанини севар эди. Уни мусика ўқитувчиси бир кўришдаёқ ёқтириб қолди. Дастлаб улар ака-сингилдек бўлиб юришди. Муаззам талабаларни ётиб пахта теришга олиб чикқанида Каримжоннинг расмини шундай чиздики, худди унинг чехрасини қоғозга ёпиштириб кўйгандек эди.

Кунларнинг бирида Каримжон унга деди:

- Муаззам, севган йигитингиз борми? Жаётингизда кимнидир севганмисиз, ёки хозиргидек хамманинг кўзини ўйнатиб юраверасизми?

- Мендай қишлоқи кизга ким хам эътибор берарди, Карим ака, - деди Муаззам ўзини камтарликка солиб. - Хамма йигитлар оқ билакларни севишади, бизларга йўл бўлсин.

- Агар уйланмаган бўлганимда, албатта сизга уйландим, - “хужум”ни давом эттирди Каримжон.

- Одамни уялтирманг, Карим ака, гапни курук опқочяпсизми, ё ...

Бу гап Каримжонга мархамат, йўл очик дегандек бўлиб эшитилди. Чиндан хам Муаззам ўзини ғалати тутар, Каримжондан янги ташаббусларни кутаётганга ўхшарди.

Кечки овқатдан сўнг талабалар ётоқларига дам олгани кириб кетишгач, Муаззам ва Каримжон ташқарида анча сайр қилишди. Каримжон кизнинг билакларидан ушлаб олди. Муаззамнинг индамаганлигини кўрган йигит янада дадиллашиб, уни кучоқлаб ўпди.

Муаззам унинг кучоғидан охудек хуркиб чикиб кетди. Барибир Каримжон ўзида йўқ хурсанд эди. Эркак кишининг ишини қилдим, ноз қилсаям, жон деб турибди, бугун-эрта тузоғимга тушмай қолмайди, деб ўйлади у.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, киздаги ўзига бўлган мойилликни сезган Каримжон унга севги изҳор қилишга ўтди:

- Биласизми, Муаззам, мен севиб турмуш қурмаганман, ота-онамнинг қистови билан уйланганман. Хотинимнинг исми ҳам Муаззам эканлигига балки ишонмасиз, мана яна фалакнинг гардиши билан пешонамга шундай исмли, фарқи шундаки, ниҳоятда гўзал киз тўғри келиб турибди. Мен ўзимнинг бахтимни фақат сизда кўряпман. Йўқ деманг, мен сизнинг тафтингиздан, латофатингиздан ёниб кул бўляпман. Агар рад жавобини берсангиз, уволимга қоласиз.

Муаззам бу гаплардан уялиб кетди, унинг оилали йигитга турмушга чиқиш хаёлида ҳам йўқ эди. Аммо киз Каримжонни севиб қолган, унинг бўсалари эхтиросида ёнарди. Ана шу мухаббат унинг кўзини кўр қилиб, аклини жиловлаб қўйганди. У Каримжоннинг сўзларига ишонди, тўғрироғи, ўзини унинг ваъдаларига мажбурлаб ишонтирди.

Муаззам Каримжонга ниҳоятда ўрганиб қолди. У йигитнинг кирдикорларини, бир кизни зўрлаб қўйиб, босди-босди қилиш учун унга вақтинчалик уйланганини билмасди. Пахта теримидан қайтганларидан сўнг улар шаҳар хиёбонларини кезишар, хинд кинофильмларини кўриш учун қирар эдилар. Агар Каримнинг собиқ хотини шаҳарда учраб қолмаганида, унинг холи нима кечишини ҳеч ким билмайди.

- Синглим, бу йўлдан қайтинг, у хотинбознинг шунча кизни бахтсиз қилгани етар. Мана мен қўлида чакалоғи билан қолиб, алданганларнинг бириман. Унинг қурук ваъдаларига учсангиз, шармандан шармисор бўлиб, бир умр бахтсиз ўтасиз. Менга энди Карим ҳеч

ким бўлмасаям, бу гапларни сизга ачинганимдан ай-  
тяпман.

Муаззам мудхиш хатога йўл қўяёзганини энди сез-  
ди, ширин ва эхтиросли бўсалардан кейин ўзини ни-  
малар кутиб турганини яккол ҳис этди. Шу кунийёқ у  
техникумдан ишдан бўшаб, Каримга ҳам билдирмас-  
дан кишлоғига жўнаб кетди. Муаззам омадсиз ишк  
можаросидан шикастсиз чиққани учун Оллохга минг  
катла шукр келтирди. Нимагадир у ўзини шу тобда  
дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири деб ҳисобла-  
ётган эди, чунки у одам боласи учун энг бебаҳо нарса  
бўлган номусини, ифратини сақлаб қололган эди. Сал  
бўлмаса, у ҳеч кимга кераксиз бир одамга айланиб  
қолиши мумкин эди.

У кишлоқдаги ўзи ўқиган мактабга ишга кирди. Бахт  
уни узок куттиргани йўқ. Илгаридан уни кўз остига олиб  
юрган яхшигина бир йигитнинг ҳалол қаллиғи бўлди.  
Муаззам ўз бахтини кадрдон кишлоғидан топди.

## ТУЗОҚ

Иброҳимни ота-онаси зўрлаб олийгоҳга киритишди.  
Бунинг учун озмунча мол-давлат кетдимиди. Отаси бок-  
қан новвослар, кўплаб югуриб-елишлар эвазига Иб-  
роҳим талаба бўлди. Тўйчи ака ўғлининг ўқиб бирон-  
бир корхона ёки хўжалик раҳбари бўлишини жуда  
хохларди. Иброҳимнинг эса ўқишга мутлако тоби йўқ,  
қизларнинг ортидан чопгани-чопган эди. Ҳафта сайин  
уйидан келиб туралиган пулларни фақат қизларга  
сарфлар, имтиҳон ва зачётларни топширмай, қарзи  
тўхтовсиз ортиб борарди. Тўйчи ака қарзга ботиб  
бўлсаям ўғлини таъминлаб турар, унинг юриш-тури-  
ши, қилиқларидан беҳабар эди.

Бир куни Иброҳимга Шавкат деган курсдоши мак-  
танди:

- Ёнимиздаги билим юртида қорачадан келган бир

киз ўқир экан, унчалик чиройли бўлмасаям, вақт ўтказиб тургани ярайди. Ўзини тарозига соладиганларга ўхшамайди. Юр десанг бас, ортингдан эргашади.

- Бор экансан-у, сендан ҳам ақлли гап чиқаркан-у, - деди Иброҳим ховлиқиб.- Менга таништириб қўй, эвазига яримта қуяман. Исми нимайкан?

- Роҳатой, роҳати жон!

Курсдошлар билим юрти томон юришди. Тезда Роҳатойни ҳам топишиб, уни музқаймоқ егани таклиф қилишди. Қиз рози бўлди. Улар шундай қилиб танишдилар.

Роҳатой аслида мактабда яхши ўқиган бўлиб, энг нуфузли олий ўқув юртида ҳам ўқиб кета оларди. Бирок ота-онасининг қўли қискалик қилди, улар Роҳатойга аввал билим юртини тамомла, кейин яна кўрармиз, дейишди. Одатда кўпчилик ота-оналар киз бола мактабни битириши биланок уни турмушга узатиш пайида бўлишади. Бу жихатдан олиб қараганда, Роҳатой бахтли эди, ота-онаси унинг ўқиши учун қаршилик кўрсатишмасди.

Роҳатой тез-тез Иброҳим билан учрашиб турадиган бўлди. Иброҳим унинг кўзига меҳрибон дўст, яхши йигит бўлиб кўринарди. Қолаверса, у ниҳоятда сахий эди, Роҳатойдан ҳеч нарсани аямасди. Моддий имконияти чекланган, содда қишлоқи киз Роҳатойни бу йигитнинг оҳанрабои тортиб турарди. Қиз бечора Иброҳим унга тузоқ қўйиб, хирс билан тикилаётганини билмас эди. Роҳатой унинг сўзларини самимий қабул қилиб, барчасини мухаббатга йўярди.

Энди улар кинотеатрларга ҳам бора бошладилар. Роҳатой дастлаб Иброҳим билан кинога боришга рози бўлмаганди, йигит гина қилди:

- Бошқаларга йўқ демайсиз, менга қолганда рад этасизми?

- Вой ўлай, - деди Роҳатой тараддулланиб, - мен шу пайтгача ҳеч ким билан кинога борганим йўқ...

- Мени севмайсиз-да, шунинг учун рози бўлмаяпсиз,

- деди Иброҳим аста-секин қизнинг қўйнига қўл солиб.

- Дарров хафа бўласиз-а, Иброҳим ака, майли, сиз айтганча бўла қолсин. – Бу Иброҳимнинг ўз мақсади-га эришиш йўлидаги яна бир қадами эди.

Улар кинодан чиқишгач, Иброҳим йўлда қизга севги изҳор қилишга ўтди:

- Роҳатой, сизни қанчалар севишимни билсангиз эди, хар доим хаёлимдасиз. Хўп десангиз, қуёшни бошингизга тож қилиб кийдирардим.

Қиз бу сўзлардан бутунлай маст эди. Шунинг учун у йигитнинг квартирамга қирайлик, деган таклифни рад этишга ўзида куч тополмади.

...Роҳатой эрталаб уйғонганда ўзини йигитнинг кучоғида кўрди. У қандай машъум хатога йўл қўйганини билгач, дағ-дағ титраб йиғлай бошлади. Бунга жавобан Иброҳимнинг ўшқирғини эшитди:

- Бунча ўхшатиб йиғлайсиз, қанча-қанча акахонларингизнинг қўйнидан чиқиб, энди ўзингизни пок қилиб кўрсатиб, мени лақиллатмоқчимисиз?

Роҳатой тошдек қотиб қолди. Ниҳоят у ўзига келиб, Иброҳимга тик боқди:

- Нима?! Менга шу пайтгача эркак киши қўл тегизмаган эди, фақат сиз билан бўлдим...

Орадан уч ой ўтди. Роҳатой алданганини, Иброҳимнинг тузоғига илинганини билди. Иброҳим эса уни тухматчига чиқарди. Адолат истаган Роҳатой қимга арз-дод билан боришни билмас, билмайин чакир тиконни босиб олганлиги учун ўзини-ўзи қарғар эди. Шўрлик энди нима ҳам қила олади, бошини қаёқларга урсин, тегишли жойга арзланай деса, сири ошқор бўлиб, шармандаси чиқади. Қизни узоқ ва оғир синовлар кутарди.

## ХАВФЛИ УСУЛ

Рустам оилада ёлғиз фарзанд бўлиб, айтгани айтган, дегани деган эди. Шундай бўлса-да, у бундан манмансирамас, лекин ҳар жабҳада биринчи бўлишни истарди. Шу сабабли ўқишда ҳам, ишда ҳам олдинги сафда эди.

Унинг ота-онаси шифокорлар. Улар Рустамнинг соғлом, бакувват бўлиб ўсиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришган. Уни каратэ клубига ҳам ёздирришган. Рустам дарсдан бўш пайтларида клубга катнар, каратэ сирларини ўзлаштириб борарди

Кунларнинг бирида Рустам дўсти Равшанга деди:

- Сен ҳам каратэ клубига кирмайсанми?

- Бунга менинг вақтим йўқ, - деди Равшан тўғриси-ни айтиб. - Дарсдан сўнг мол-кўй бокаман, бунинг устига клубга тўлаш учун бизда ортикча пул йўқ. Бир марта дадамга каратэ хакида гап очгандим, у аччикланиб: “мол боқиш ҳам каратэнинг бир тури, кани, далага жўна”, деб бакириб берди.

Рустам синфдошлари ичида мана шу Равшанни ёктирарди. Шунинг учун унга каратэни ўзи билганича ўргата бошлади.

Рустам клуб машғулотларида ўргангандан бошқа усулларни ҳам машқ қила бошлади. У устозининг менсиз биронта ҳам усулни бажарманглар, деган гапига риоя этмай кўйди.

Бир куни у китобдан мураккаб ва хавфли бир усул тўғрисида ўқиб, шуни бажариб кўрмокчи бўлди. У бир неча кун зўр бериб машқ қилиб, шу усулнинг ҳадисини олгандек бўлди. Рустам шу куни Равшанни уйига чакириб келди. Унга ҳам мураккаб усулни амалда кўрсатмокчи эди. Усулни бажаришга киришар экан, кўллари калтираётганини сизди, юрагини ҳам қандайдир ваҳима босганди. У ўзига-ўзи тасалли берди: “Нега мен кўрқяпман, нахотки бирор фалокат юз берса? Йўқ, кўркма, ўзингни кўлга ол!”

Рустамнинг тиззалари калтираётганини кўрган Равшан уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилди. Аммо Рустам унга кулоқ солмади:

- Каратэ мардликни ёктиради. Бу усулни олдин бир неча марта бажарганман, мана, ҳозир ўзинг кўрасан.

У шундай деб, усулни бажаришга киришди. Фожа ўзини узок куттиргани йўк...

Эр-хотин ишдан қайтганларида, уйда Равшан йиғлаб ҳар томонга чопар, тили калимага келмасди. Рустам эса олма дарахти шохига илинган арқонга бўйнидан осилган ҳолича тебранарди...

Каратэнинг Рустам бажармокчи бўлган усули ўта мураккаб бўлиб, уни бажариш менман деганларнинг ҳам доим кўлидан келавермасди. Бу усул кишидан тезлик ва чакконликни талаб қиларди: сиртмокка бошини солиб усулни чакконлик билан бажарган ҳолда зудлик билан арқонни узиб ташлаш, ерга тик тушиш лозим эди. Қўркув ва хаяжон Рустамга панд берди. Энг асосийси, у устозининг кўрсатма ва насихатларини писанд қилмаган, уларни унутган эди.

## **ПУШАЙМОН**

Чет эл адабиёти тарихидан имтихон топшириши керак бўлган талабалар кутубхонама-кутубхона юришар, кечкурунлари ётоқхона совук бўлганлигидан қоровулнинг хонасига кириб олишиб, шу ерда имтихонга тайёрланишарди. Қоровул Ўткир ака уларнинг суҳбатларини марок билан тинглар экан, беихтиёр ўзининг ёшлик йиллари ёдига тушарди.

Ваҳоб бошини китобдан узмай ўтирган Ғайратга шундай деди:

- “Римлик аёл” асарини ўқидингми? Ундаги кизнинг изтироблари, алдангани ҳар қандай одамнинг калбини ўртайди.

- Э-э, нимасини айтасан, - деди Ғайрат, - кизнинг шофёр йигитга индамасдан ўзини топширганига нима дейсан.

Уларнинг гапларини тинглаб ўтирган Ўткир ака ўзича фикр юритарди. Вожаб, умр бўйи хисоб-китоб, математикадан бошим чикмабди, хаётнинг мазаси бу ёқда экан-ку.

Вахоб билан Ғайрат чет эл ёзувчиларининг асарларини бу ерда тез-тез муҳокама қилишганидан, Ўткир ака уларнинг тортишувларига беихтиёр гувоҳ бўларди.

Ўткир ака пенсияга чиққунга қадар иқтисодчи бўлиб ишлаган. Ишлаб ўрганган одам уйда бекор ўтира олмас экан, пенсияга чиққандан кейин зўрға ярим йил чидади. Сўнгра институт ётоқхонаси қоровуллигига ишга кирди. Уч кунда бир навбат келади. Ишдан бўш пайтлари маҳалладаги ўзи тенгилар билан тез-тез учрашиб, вақтни бир амаллаб ўтказди. Уйда ўтириш эркак кишига кўпам тўғри келмас экан, баъзида невараларнинг тўполони ортикчалик қилса, айрим пайтларда бўлар-бўлмас нарса учун хотинининг дилини оғритиб қўяди. Халиям ичкиликдан юз ўгира олмаётганлиги кўпинча унга панд бериб қўярди. Йўқ, у ёмон одам эмас эди, фақат озгина ичиб олса, ниҳоятда эзма бўлиб қолар, уйдагиларга хадеб насихат қилавериш, уларни бездирарди. Қоровулликка жойлашиши унинг учун айни муддао бўлди: ҳам вақт ўтказди, ҳам қиттак отиб олса, бу ерда бировнинг иши йўқ.

Талабаларнинг айримларини ичмайди, деб бўлмасди. Мана, шу ерда ўтирган Вахоб ҳам ичади, унинг отаси каттакон идоранинг бошлиғи экан. Унинг курсдошлари ҳам Вахобнинг қўлини қайтаришмайди, узатиб қолса, йўқ демай сипқаришдан тоймайдилар. Ўткир ака дастлаб уларга бу ерда ичиш мумкин эмас дедимки ҳам бўлди, аммо йигитлар уруш-жанжалсиз тарқалаётганлигини кўриб уларга индамади. Бу хол

бир неча кунгача давом этди. Энди Ўткир аканинг ўзи ҳам уларга кўшилиб ичадиган бўлди, текин арок унга хуш ёқаётган эди.

Кунларнинг бирида саккиз йигит билан биргаликда бегона киз ҳам келиб, ётоқхонага кириб кетди. Буни бироз ширакайф Ўткир ака сезса-да, Ваҳоб билан Файрат улар билан бирга эканлигини кўриб, еган оғиз уялади деганларидек, бирон нарса дея олмади. Ётоқхона турар жой биноларига якин жойлашгани учун талабаларнинг кий-чуви яққол эшитилиб турарди.

Ётоқхона ошхонасига кечки овқат тайёрлаш учун ўтган кизларга Ваҳоб шундай деди:

- Кизлар, бугун пастки каватдаги ошхонага тушиб овқат пиширинглар, болалар бироз ичиб олишди, сизларни хафа қилиб қўйишмасин тагин.

Саккиз йигитнинг барчаси ўзига яраша пулдор эди. Улар билан бирга кирган киз ёмон оиладан бўлиб, тарбияси аллақачон издан чиқиб кетган, хаёсиз ишларга уни онасининг ўзи рағбатлантириб турарди.

Нотаниш кизнинг ётоқхонадан қачон чиқиб кетганини ҳеч ким кўрмади. Орадан яна уч кун ўтиб, Ўткир ака яна ишга келди. Вақт хуфтонга яқинлашганда у талаба улфатларига иккита шишани бўшатишга ёрдамлашиб, маст бўлиб қолди. Энди у ҳам ўзини ёшлардек сезар, ётоқхонага кимлар кириб чиқаётганлиги билан иши бўлмас, хадеб Ваҳоб ва унинг дўстларини “маладес” деб мактарди. Шу пайт унинг вақти ниҳоятда чоғлигини кўрган Ваҳоб унга шундай деди:

- Ака, жононларга тобингиз қалай? Агар кўкидан чўзсангиз, бирпасда тайёр қиламиз.

- Ваҳ-вах, - деди Ўткир ака кафтларини бир-бирига ишкалаб, - тунов кунги жонон бўлса, йўқ демасдим. Кўкидан бўлмасаям, бошқасидан керагича топилади.

- Гап йўқ, бирпасда хозир қиламиз. – Ваҳоб шундай деб қоровулхонадан чиқиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у бояги хурилико билан кириб келди.

- Мана, мехмонни қабул қилинг. Қани, йигитлар, туринглар, биз энди ошиқчамиз.

Ўтқир ака бундан кейинги воқеаларнинг қандай тезлик ва тартиб билан рўй берганлигини яхши эслай олмайди. Бир пайт коровулхонага икки милиционер кириб келиб, уларнинг икковини ҳам олиб чиқиб кетишди...

Бу иш бўйича бўлиб ўтган суд мажлиси нафақат ётоқхона коровули, балки унинг бутун оиласи учун иснод бўлди. Ўтқир ака бошини кўтариб, залдагиларга тик қарай олмади. Бундан кўра ўлгани минг марта афзал эди. Кейинги пушаймон - ўзингга душман, деганлари шу экан-да!

## **ҚЎШМАЧИ**

Хўппа семиз, аммо истараси иссиқ аёл бозор оралаб юрибди. Қўлида қўш-қўш тилла узук, бўйнида такинчоклар, эгнида кимматбаҳо кўйлак. Билмаганлар уни бирор каттаконнинг хотини экан-у, бозор айлангани чиқибди-да, деб ўйлаши мумкин. Лекин бу аёл не-не кизларни гунчалигида сўлдириб, жувонмарг қилиб юборганлигини унинг миждаригина биладилар. Мана, у ҳозир ҳам чиройли кизларни овлагани чиққан. У ови бароридан келишига, юзлаб кизлар ичидан ҳеч бўлмаса биттасини илнтиришига ишонади. Унинг ов “усули” синовдан ўтган бўлиб, тузоғига ўлжа туширмасдан қўймайди. Бу қўшмачи аёл чиройли кизларни “тилла узук сотаман, жуда арзон” деб алдаб, уйига олиб бориб бойваччаларга қўшишни одат қилган. Бунинг эвазига у жарак-жарак пулга эга бўлади. Эгнидаги ялтироқ кўйлагу кимматбаҳо такинчоклар шу харом пулга келган.

Бозорда у юпун кийинган, атрофга жовдираб боқаётган ёшгина кизни учратиб, ёнига чақирди:

- Ҳа, кизалоғим, сенга нима бўлди, бировни йўқотдингми?

Ўпкаси тўлиб турган шекилли, киз йиглаб юборди:  
- Тожикистонданман, ота-онамдан ажралдим, бу ерларни яхши дейишгани учун келдим...

- Вой жоним кизим-ей, мадоринг куриганга ўхшайди, юр, уйга олиб кетай, менга киз бўласан. Исминг нима?

- Дилором.

- Жудаям чиройли исм экан, хали сен кўп дилларга ором берасан.

- Яхшилигингизни бир умр унутмайман, онам бўлинг, - деди киз унга ёпишиб. - Ўлар-ўлгунимча хизматингизни қиламан, дўппи тикаман, сизга ёрдам бераман!

Кўшмачи аёл бугун бахт куши тўғри келиб ўзининг бошига кўнганлигидан беҳад хурсанд эди. Қизни етаклаб, унга чиройли кийимларни харид қилгач, уйга олиб келди. Уни чиройли безатилган хонага киритар экан, шундай деди:

- Мана шу хона сеники, яхшилаб дамингни ол, эртдан ишга тушасан, бойвачча акаларингга тиккан дўппиларингни сотиб, дилларига ором берасан.

- Бўпти, аяжон! – Хеч нарсадан хабари йўқ кизча ўзида йўқ хурсанд эди.

Эртасига аёл укахонларидан бирини чақириб, шундай деди:

- Қўлимга бахт куши кўнди, Алижон, онаси ўпмаган 14 ёшли киз. Сиз мижозлар топасиз. Ишни ўзингиз бошлайсиз, аммо сиз учун бекор, дарвозани биринчи бўлиб ўзингиз очасиз. Кўргингиз келса, анави хонага кириб чиқинг, беозоргина ухлапти.

Йигит лип этиб хонага кириб чиқди.

- Бай-бай, данак экан, - деди у кифтини учуриб. - Бундай хурилико хар доим ҳам учрайвермайди. Дингизга балли! Бахоси қанақа бўлади?

- Менга икки юздан берасиз, уёғи сизнинг ишингиз.

- Опа, қиммат эмасми?

- Арзон, хали бу гўдак-ку, мижозлар кўрса ундан нари

кетолмай колишади. Ундан камига рози бўлмайман.

Эртасига Алижон айтилган вақтдан анча олдин етиб келди. Уни кўрган кўшмачи аёл оғзининг таноби кочиб кулди:

- Ха, Алижон, туни билан тўлғониб ухламай чикдингизми дейман?

- Қандай ухлай, опажон, офатижон коракўз бу ерда нозланиб ётса.

Алижон қизнинг хонасига кириб кетди. Аёл магнитофоннинг овозини баландлатди. Шўрлик қизчанинг ўзини ҳар ёнга уриб бакиришларини ҳеч ким эшитмади. Номусидан айрилган қиз қаерга, кимнинг қўлига келиб қолганлигини энди тушунди. Қўшмачининг чўнтаги каппайгани сайин қиз озиб-тўзиб борар, бу уйдан тезроқ кочиб кетишни ўйларди. Бир марта кочиб ҳам кўрди. Аммо икки кун оч қолиб, яна изига қайтишга мажбур бўлди. Бироқ шундай кун келдики, у бу ерга ҳам сиғмай қолди. Кун сайин алмашиб турадиган мижозлар унга таносил касаллигини юктиришган эди. Буни билган бойваччаларнинг қадами аста-секин узилиб, чўнтаги суст мижозларгина келадиган бўлиб қолишди. Қўшмачи аёл эса қизни даволатиш учун пул чиқаргиси келмай, уни ёши элликлардан ошиб қолган бир барзанги одамга ўтказиб берди.

Мана, қўшмачи бугун ҳам бозор оралаб юрибди. У энг чиройли қизларга тузук қўйган. Ёнидан ўтаётган қизлардан бирини тузоғига илинтиришига катъий ишонади.

## ҚОТИЛ ОТА

Бир бой-бадавлат аёллар ишкибози бор экан. Бу одам сўзга шунчалик уста эканки, аёллар унинг сохта мухаббатига қандай алданиб қолганларини билмай қолишаркан. Унинг оғироёк хотини уйда бир бурда нонга зор экан. Эр бўлса, шундай дамларда хотинига ҳам



дард бўлиш ўрнига хиёнат йўлига кирибди. Эрнинг хиёнатини сезган аёл рухан эзилар, аммо дардини бировга ошкор қила олмас экан. Буни Оллохнинг инояти билан факатгина туғилажак фарзанд сезар, азоб чекаркан. Барча ишлардан хабардор фарзанд она корнидаёқ бу телба дунёнинг ишларига лаънатлар ўқибди: Эй телба дунё! Бундан ортиқ яна қандай азобларинг бор! Нахотки, пок ва муқаддас бўлиб дунёга келган инсон бора-бора шундай қабих йўлларга кирса, инсон деган буюк номга доғ туширса. Хиёнаткор отам менга қандай тарбия бера оларди. Яхшиси, пок ҳолда Тангри олдига борганим маъкул.

Шундай дея фарзанд туғилибди-ю, бевафо дунё билан видолашибди. Бундан фарзандини тўққиз ой, тўққиз кун корнида кўтариб юрган она изтиробда қолибди, арзон муҳаббат ишқида маст эрнинг эса парвойи фалак.

Иккинчи фарзанд ҳам шу тариқа дунёга келиши билан ҳаётдан кўз юмибди.

Орадан йиллар ўтибди. Ота ўз билганидан қолмабди. Қунларнинг бирида она яна хомиладор бўлибди. Вақт-соати етиб яна ойдек ўғил туғибди. Аммо бу фарзанд ҳам акалари сингари туғилибди ёруғ дунёни тарк этибди. Бу сафар энди бундай кўргуликларга она ҳам дош беролмай, алам-азобларни ичига солганича оламдан кўз юмибди.

Кўча хандон, уй зиндон эр эса ҳамон одамлар орасида яшаб келмоқда. Бир неча бор уйланди, ажрашди, фоҳишаларнинг ёстиғига бош қўйди. Аммо Оллох таоло уни фарзанддан қисган, бир умр тирноққа зор бўлиб ўтмоқда.

### **ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

Айтишларича, яқин замонларда бир ўспирин бола бўлган экан. У ниҳоятда озорли экан. Қилган иши

хўроз уриштириш бўлиб, ота-онасининг ишини сира кўлидан олмаскан. Улғайиб куч-қуввати ортгач, ит уриштиришни одат қилибди. Итларни шундай ахволга солар эканки, улар қип-қизил қонга бўялиб, узок яшамаскан. Энди боланинг ит уриштиришдан ҳам кўнгли қолиб, уларнинг бўйнига сим боғлаб, ерга ётқизиб судраб, қонини чиқаришни одат қилибди. Йўлдан ўтиб кетаётган бир чолнинг итга раҳми келибди:

- Ўғлим, итга озор берма, у ҳам Худонинг бир махлуқи, гапиролмайди, холос. Аммо увлаб йиғлаб, азоб чекаётганини билдиради. Раҳм қил, кўйиб юбор.

- Ишингиз бўлмасин, ит – хайвон, йиғламайди, хоҳлаганимни қиламан, йўлингиздан қолманг.

- Кўргулигинг бор экан, болам, ўзингга қийин, - чол шундай деб бошини сарак-сарак қилганча йўлида давом этибди.

Итларга озор берувчи йигит уйланибди. Уйлангач, Худонинг қудрати билан мажрух ўғил кўрибди. Фарзанди йиғлаганда худди итникига ўхшаш овоз чиқарармиш. Йигитнинг бормаган шифохонаси, кўрсатмаган табиби қолмапти. У ҳар гал боласига қараганида кўзига қонга беланган хўроз ва итлар кўринар, юракбағри эзилар экан. Йигит кечаю кундуз қилган гуноҳ ишлари учун тавба қилиб, Оллоҳдан кечирим сўрабди. Етти йил деганда мажрух ўғил оламдан ўтибди.

Кўрдингизми, азизлар, йигит қилган гуноҳи учун Оллоҳдан жазосини олди. Кексалар беҳудага “Қилмиш-қидирмиш”, деб айтмайдилар.

## **СОХТА ЁЗУВЧИ**

Шаҳарда бир амалпараст йигит бўлиб, машхур бўлишни жуда истарди. Аммо машхур бўлиш ўнғайиш эмас. У ўйлаб-ўйлаб, номи чиққан шоир ва ёзувчиларнинг китобларини сотиб олиб, уларнинг асарларидаги қахрамонларнинг номларини ўзгартириб, қисса

ва хикоялар ёза бошлабди. Китоблардан кўчириб бўлгач, дархол “асар”ни бостириш учун хомийни ҳам топар экан. Кам китоб ўқиган одамлар унинг ёзганларига қойил қолишиб, кўкларга кўтариб макташар, чоп этириши учун маблағ ҳам беришар экан. Шу тарика бу “ёзувчи” бир канча китоблар чиқариб, машхур бўлиб кетибди. Уни адабий кечалар, турли ижодий учрашувларга тез-тез чакирадиган бўлишибди. Ҳақиқий шоир ва ёзувчилар у ҳозир бўлган жойларда қимтиниб ўтиришар, пешона тери билан битган нарсаларини ўқиб беришга уялишар экан. Сохта ёзувчининг парвози тобора баландлаб бораверибди.

Вакт-соати келиб, унинг қимлиги кўпчиликка ошқор бўлибди. Энди уни “беш кунлик ёзувчи” деб атаётганлар. Афсуски, бу воқеадан хабарсиз одамлар, айниқса, кишлокликлар уни хануз ёзувчи деб ўйлашади. Сабаби, уларнинг китоб жавонларида унинг “асар”лари ҳам турибди. Агар бу сохта ёзувчининг башараси газеталарда, телевиденида очиб ташланганида борми, аллақачон уни ёзувчи деб атамай қўйишган бўларди.

## **СИЗ ЙЎҚСИЗ...**

**(Қатъа)**

Сиз менинг суянган тоғим, ёлғиз сирдошим эдингиз. Мен доимо сизга талпиниб яшадим. Бевакт сўнган юлдуздай ўчдингиз. Мен эса қоронғу ўрмонга қирган охуздай ҳар томонга талпиндим. Бирдан сиз яна қалбимни эгалладингиз, зулмат бағридан ёруғ жаҳонга олиб чиқиб, нурли чўккилар томон йўл бошладингиз. Бунчалар улўқсиз, жоним!

Гарчанд жисман йўқ бўлсангиз-да, руҳан мен билан биргасиз, мадаққоримсиз.

Мана, йиллар ўтиб, биргаликда кечган сўнгги кунларимизни ўйлаётман. Назаримда, сиз: “Тур ўрнинг-

дан, сенга нима бўлди, жасоратли аёл эдинг-ку”, дея гапиргандай бўласиз. Бирдан кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат кўшилиб, олға томон ҳаракат қиламан. Бугун ўғлингизнинг тўйи, бундан бенихоя хурсандман, аммо сизнинг йўқлигингиз қалбимнинг туб-тубини кемиради. Ўғлингиз ҳам ўксик бошини эгиб ўтирган-дек кўринади.

Бирдан менга сўз беришди. Яна мадад беринг, жоним, дўст-душман ичида довираб қолмайин. Мана, юрагимнинг тубидаги сўзлар туғён уриб, ташқарига отилиб чикмоқда: “Азиз меҳмонлар! Авваламбор шу хонадонга хуш келибсизлар. Бахтимизга шерик бўлиб ўтирганингиз учун сизларга мингдан-минг раҳмат. Сизларни кўриб ўзимнинг ёлғиз эмаслигимга имон келтиряпман. Одам боласи ҳамма нарсага чидаса ҳам, ёлғизликка чидай олмас экан. Ўғлим, сен дадасиз ўсдим деб ўксима, даданг орамизда жисман йўқ бўлсаям, унинг руҳи бизни қўллаб турибди. Сен, болам, даданг кўра олмай кетган нарсаларни кўришинг керак. Сенинг каллигинг энди менинг фарзандим, биз бугундан бошлаб ёлғиз эмасмиз, энди каллигинг, яъни яна бир кизим ҳам бор. Одамлар, бизни табрикланганлар, энди биз сираям ёлғиз эмасмиз, чунки сизлар ҳам биз билан биргасизлар”.

Мана, жоним, дил сўзларимни ҳам айтиб бўлдим. Яна мададкор бўлдингиз, раҳмат! Сизнинг мададингиз билан менинг кўксим тоғдай юксак бўлади. Биз хамиша биргамиз!

## **ОНА ҚАЛБИ**

Дарахтлар куртак чиқараётганини кўрган ижодкор кизнинг қалбида илхом туғён урди:

*Гулбаҳор фаслида очилар гуллар,  
Дилрабо кўшиққа тўлади диллар.*

*Атиргул қошига қўнади булбул,  
Гуллар ҳам очилар гўёки сунбул.*

Қиз онасининг ёнига бориб, баҳор фаслининг тенгсиз гўзаллигини айтди. Онаси эса кизига шеърый хадислар тинглагиси келаётганини айтди.

- Майли, ойижон, бўлмаса эшитинг:

*Учрашган чоғингда салом айтгин,  
Манманлик қилишдан доим қайтгин.  
Мусулмон бандада манманлик бўлмас,  
Хеч қачон ёмонлик қўлидан келмас.*

*Қориндан ёмонроқ идиш йўқдир,  
Шул сабаб нафсимиз мисли ўқдир.  
Яхшилар нафсини тийиб тўқдир,  
Эй Тангрим, сақлагин нафс балосидан.*

*Миллатчи банданинг юрак-бағрин тил,  
Ҳар миллат Оллоҳнинг бандасидир, бил.  
Шунинг-чун ҳар кимга яхшиликлар қил,  
Эзгулик байроғи мангу эрур, бил.*

- Қизим, сатрларингда бугунги кун муаммолари акс этибди, уларни ўқиган китобхон, айникса, ёшлар тўғри йўлдан боради, ўз Ватанига, юртига, халкига хиёнат қилмайди, ўзлари тушуниб етмаган варакаларни таркатмайди. Қизим, сенинг дилингда Оллоҳ шундай савобли ишни солганидан мамнунман.

- Ойижон, сизнинг кўзларингизни даволатиш керак-ку, ахир?

- Йўк, қизим, мен кўзимни операция қилдирганимга икки йил бўлди, балки ўзи яхши бўлиб кетар, дардни берган Эгам давосини ҳам берар. Сен эса темирни кизиғида бос, ёшларни тўғри йўлга бошла. Бу ҳам катта савоб.

Ижодкор қиз онасининг насихатларига кўра шеърый хадисларни китоб қилиб чиқарди. Китоб масжидларда таркатилди, ёшлар мамнун бўлишди, катталар

эса унинг ишини баҳолаб, “отасига раҳмат” дейишди.

У ижод борасида тез-тез қўшни давлатдаги домлалари олдига бориб турарди. Аммо чегарадан ўтишда жуда қийналар, паспорти муҳрга тўлиб кетган эди. Нега бундай қилишади, ахир бир онанинг фарзандларимиз-ку, дерди у ўзича қуюниб. Унинг дилида шундай сатрлар туғилди:

*Турон халқим, ўзлигингни бил,  
Дўстлашишиб, дўшман қалбин тил.  
Байрогингни энди баланд ил,  
Онамиз бир, ога-ини қил!*

Энди у туркий халқларнинг бирлашиши зарурлиги тўғрисида шеърлар ёза бошлади. Яна шеърларини биринчи устози, танқидчиси ва маслаҳатгўйи онасига ўқиб берди. Онаси яна кизини китоб чиқаришга ундади:

- Қизим, бу китобинг туркий халқларни бирлашишга чақиради. Савоб иш қил, китоб қилиб чиқар, минглаб мудроқ қалбларни уйғотишдек савоб иш кам, кизим.

Қиз онасининг гапларига кулоқ солиб, туркий халқларни бирлашишга ундовчи китобини чиқарди. У анча қарз бўлиб қолди, уни яна онаси юпатди:

- Қизим, қарз узилади, аммо ёзган дур, гавҳар сўзларинг мангу қолади.

- Ойижон, бунчалар қалбингиз кенг, дилингиз нурли, - деганича ижодкор қиз йиғлаб юборди, - мен худбин кизингизни кечиринг, сизнинг кўзларингизни даволатиш ўрнига китоблар чиқариб юрибман...

- Йўқ, қизим, сен худбин эмассан, агар фақат мени ўйлаганингда шундай десанг бўларди. Сен кўпчиликнинг дилидаги дардни топа олдинг, Ватан келажагини ўйладинг.

Онасининг бу гаплари ижодкор қизга далда бўлди, унинг қалбида янги ҳис-хаяжонлар туғён урарди.

## **ВАТАН**

*Билки, фарзандим, Туркистондин буюк Ватан йўқдир!  
Билки, фарзандим, Туркистондин суюк Ватан йўқдир!*

Ватан – ҳар биримизнинг киндик конимиз тўкилган мукаддас даргоҳ.

Ватан – сиз ва биз учун ҳаёт йўллари сабоқ бўлган улуғ бобокалонларимиз яшаб ўтган даргоҳ.

Ватан – беомон уруш йилларида жасорат ила эркакларнинг ўрнини босиб, ҳам ота, ҳам она бўлиб, бошимизни силаб, “ўксима” деган онажонларимиз даргоҳи.

Ватан – сабр-тоқатда барчага ўрناق бўлган, бир кун келиб юртимизнинг мустақил давлат бўлиши учун жон берганлар даргоҳи.

Ватан – йигитлик бурчини адо этмок учун Афғонистонда бевақт қурбон бўлганлар, жасорат кўрсатиб она юртига қайтмаган мард йигитлар даргоҳи.

Ватан – сиз ва биз учун ягона бўлган Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистонгина эмас, балки улуғ Туркистон даргоҳи.

Ватан болалар боғчасидан бошланади. Жажжи кич-

кинтойларимиз илк билимни, таълим-тарбияни болалар боғчасида олишади. Унда болажонлар ака-укадек, опа-сингилдек бир-бирларига меҳрибон, раҳмдил бўладилар. Бир-бирларини хурмат қилишни ўрганадилар. Балки шу сабабли улар боғчадан ташқари жойларда учрашиб қолсалар, алоҳида меҳр билан кўз уриштириб кўядилар. Мана шу даргоҳ – болаларни оқ-қорани танишга, яхши-ёмонни ажратишга ўргатадиган муқаддас даргоҳ “Ватан” деб аталмиш буюк тушунчани, она юртга бўлган меҳр-муҳаббатни оширадиган улуғ маскандир. Эй фарзанд, сенга келажак сари йўл очган кутлуғ даргоҳни кадрла, унга садоқатли бўл!

Ватан мактабдан бошланади. Мактаб кичик бир ватандир. Кемага чиққаннинг жони бир деганларидек, мактаб ўқувчиларининг мақсади ҳам, ўй-фикри ҳам бир бўлмоғи лозим. У ҳам бўлса билим олиш ва яна билим олишдир. Мактабда болалар ўз онгини, дунёқарашини, тафаккурини шакллантирадилар. Мактабдаги ҳар бир синф кичик мамлакатни ташкил қилади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз олимлари, буюк кишилари бўлганидек, синфнинг ҳам илғорлари, обрўли ўқувчилари бўлади. Устозининг ўғитларига қулоқ солган ўқувчилар синфнинг мавқеини оширадилар, бундай болаларни синфдошлари, ҳатто устозлари ҳам хурмат қиладилар. Бундай ўқувчилар мактаб Ватан эканлигини яхши биладилар ва ўзларининг ахлоқ-одоби, аъло ўқиши билан унинг обрўсини мустаҳкамлайдилар.

Ватан оиладан бошланади. Оилани ота-она бошқаради. Улар ўз фарзандларини мукамал тарбия билан вояга етказсалар, Ватан кучли ва обрўли бўлади. Бундайлар Ватан учун жон фидо қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

Оилага туширилган доғ Ватанга туширилган доғ билан баробардир. Ҳеч қачон оилангиздан ор қилманг. Ота-онангиз ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, у сиз учун буюк инсон бўлсин. Ҳеч қачон муқаддас дар-

гоҳ хисобланган оила шаънига доғ туширманг. Эй фарзанд, сен ана шу даргоҳнинг хақиқий ўғил-кизи бўлиб қол ва унга умрбод содик бўл.

Хар бир одамнинг ўз бурчлари бор. Жумладан, ота-онанинг бурчи фарзандларини баркамол ўстириш, етук ва илмли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Фарзанднинг бурчи эса ота-она ишончини оқлаш, улар истагандек одобли, хар томонлама баркамол бўлишдир. Катталарнинг бурчи кичикларни иззат қилиш бўлса, кичикларнинг бурчи катталарни хурмат қилишдир.

Инсонлар учун умумий бўлган бир бурч борки, бу ҳам бўлса Ватан олдидаги бурчдир. Ватанга хиёнат қилмаслик, иснод келтирмаслик, унга садоқатли бўлиш барчамизнинг энг муқаддас бурчларимиздир.

Йигитларнинг Ватан олдидаги бурчи – она юртини, қутлуғ заминни, халқини ёвуз душманлардан химоя қилиш, кўз қорачиғидек асрашдир. Негадир кейинги йилларда йигитлар армия хизматига бормасликка, Ватан химоясидан четда туришга ҳаракат қилмоқдалар. Шуниси ачинарлики, бу нарса ота-оналарнинг кўз ўнгида, ҳатто уларнинг кўлловида содир бўляпти. Ватанга хизмат қилишдан четда турган йигитларни хақиқий эркак, деб бўлмайди.

Эй фарзанд, Ватанни сен кўриқламасанг, дўстинг кўриқламаса, ким кўриқлайди? Исноддан қоч, токи халқ олдида юзинг шувут бўлмасин.

Бурч хақида сўз кетганда, негадир кўз олдимга марҳум бир одам келаверади. У ёшини яшаб, ошини ошаб, саксондан ошганда вафот этди. Аммо у умрининг тўртдан уч қисмини виждон азобида ўтказди. Сабаби, у барча тенгдошлари фронтда жон олиб, жон бераётганда жанг майдонидан қочиб келганди. Ёши бир жойга бориб қолганда уйланди, ўзига яраша бойликка ҳам эга бўлди. Фарзандлари олдидаги оталик бурчини ҳам адо этди. Аммо у Ватан олдидаги бурчини бажаргани йўқ. Умр бўйи “қочок” деган тавки

лаънат унинг бўйнидан тушгани йўк.

Ўшанда Ғалабанинг 30 йиллиги нишонланаётган кун эди. Эрта билан ҳовлисига кўксиларига орден-медалларни такиб, байрамона ясанган уч-тўрт уруш фахрийлари кириб келди.

- Қани, бўл, марказда бугун катта байрам бўлади, бир ёзилиб келасан, - дейишди улар.

У нима деб жавоб беришни билмай, тош котганча туриб қолди. Қирганлар кечроқ бўлса-да унинг ҳолатини тушунишиб, ташқарига йўл олдилар.

У оёқлари остидаги неварасининг чуғурлашидан ўзига келди.

- Ҳа, кизалоғим, нима дейсан?

- Опоки, бугун катта байрам экан, Нигоранинг бобоси орденларини такиб, уни етаклаб шаҳарга кетди. Сиз ҳам орденларингизни такиб чиқиб, мени ҳам байрамга олиб боринг. Юринг, бўлақолинг, опоки!

Чолнинг бошидан кимдир муздек сув куйгандек бўлди...

Ўша чол вафот этгандаги воқеа бундан ҳам ошиб тушди. Унинг таъзиясига одам чақирганлар “ўлган одам ким?” деб сўраганларга “халиги-чи, фалончи кочок” деб айтганларини ўз қулоғимиз билан эшитганмиз.

Яна бир воқеа талабалик йилларим, пахта теримига чиққанимизда бўлиб ўтганди. Ҳамон шу воқеа ёдимга тушса, ўз-ўзимдан азобланаман. Пахта тераётган еримизда бир йигит (эгнида аскар кийими билан) қўлига тахтадан ясалган ўйинчоқ автоматни тутиб, ҳаммага карата “тир-р, тир-р” дея “ўк отарди”. Эрмакталаб мактаб болалари унинг гоҳ уёғидан, гоҳ буёғидан ўтишар, гоҳ ўк теккандек ерга чўзилиб ётиб олишар эди. Сўнгра ўринларидан туришиб, корниларини ушлаганча котиб-котиб кулишарди. Хуллас, бечорани роса калака қилишарди.

Суриштириб билсак, бу йигит ўз бурчини адо этиб (ёлғиз ўғил бўлса ҳам), Афғонистонда хизмат қилади.

Ногахон минага дуч келиб, контузия сабаблими ёки кўркувданми тентакнамо бўлиб, ўз юртига қайтади. Нега болалар мукаддас бурч йўлида бор-йўғидан, ақлидан айрилган бечора йигитни масхара қиладилар? Нега ота-онасининг бойлиги эвазига армия хизматидан кутулиб қолиб, кингир йўллар билан мансабга минган “йигитлар” ёлғиз ўғлини ҳарбийга жўнатиб, сўнгра темир тобутни кучоклаб қолган ота-оналарни, Ватан олдидаги бурчи йўлида қурбон бўлган дўстларини, синфдошларини ҳурмат қилмайдилар?

Эй фарзанд, аввало Ватан олдидаги бурчингни бажар, “кочок” деган иснодли номга йўликма. Бойлик, давлат, амал учун Ватанини, халқини сотишга тайёр одамлардан йироқ юр!

## УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

(Ёднома)

Жалолобод вилояти ўзбек миллий-маданий маркази биносига кўп одам тўпланган. Катта хонага кираверишда ўнг томонда Қирғизистон халқ маорифи аълочиси, ёзувчи, мархум Саъдулла Акбаровнинг портрети илинган. Портрет остидаги катта столга унинг орден ва медаллари, фахрий ёрликлари, турли пайтда хамкасблари, ижодкорлар, қариндош-уруғлари, она аъзолари билан тушган расмлари қўйилган. Шунингдек, унинг хикоялари, публицистик ва методик мақолалари чоп этилган ўнлаб газеталар ҳам бор. Улар орасида айниқса домланинг “Сохта одам” деб номланган ҳажвий хикоялар тўплами алоҳида ажралиб турибди.

Иккинчи томонда эса Тошбулоқ кишлоқ советида узок йиллар меҳнат қилиб оғизга тушган онахонимиз, мархум Инобатхон Мўминованинг портрети кўзга ташланади. Алоҳида столга унинг ҳаёти ва меҳнат

фаолияти хакида хикоя килувчи хужжатлар, орден-медаллар, фахрий ёрликлар кўйилган.

Икки табаррук инсоннинг хотира кечасига келаётганларни С. Акбаров ва И. Мўминованинг фарзандлари, кариндош-уруғлари, энг яқин дўстлари бўлган одамлар қарши олишмоқда. Меҳмонларни самимий кутиб олиб, тўрға таклиф қилаётганлар орасида миллий-маданий марказнинг фаоллари ҳам бор.

Хотира кунини маданий марказнинг вице-президенти Мамлакатхон опа Турсунова очади. У ўзининг қиска сўзида Саъдулла Акбаров ва Инобатхон Мўминова хакида маълумот бериб, бугунги тадбир уларнинг ёрқин хотирасини эъзозлаш мақсадида ташкил этилганини маълум қилади.

Маросимда сўз олган меҳнат фахрийси Мухтор ака Исакулов бугунги тадбир учун миллий-маданий марказга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди ҳамда вилоят ва шаҳар ҳаётида ўчмас из қолдирган марҳум юртдошларимизнинг хотира кечаларини уюштириш шу билан тугамаслигига умид билдирди. Кўп йиллар Саъдулла домла билан биргаликда ўқиган ва ишлаган Тўраҳон хожи Обидов унинг билимга ниҳоятда иштиёқманд бўлганлиги, илм-маърифат деб кам еб, кам ичганлиги, ширин уйқусидан кечганлиги хакида гапириб берди. С.Акбаров дорилфунунни битирганидан кейин аспирантурада ўқишни давом эттирмасдан, шаҳардаги 2-ўрта мактабга ишга келади. Сўнгра Сузок туманидаги Бобур номли етти йиллик мактабда икки йил илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб, унинг ўрта мактабга айлантирилишига қатта хисса қўшади. Орадан кўп вақт ўтмай шу мактаб директори этиб тайинланади. У туман халқ маорифи бўлими мудири вазифасида ишлаган йилларида ўзининг юксак ташкилотчилигини тўла намоён этди. Шаҳардаги 2-ўрта мактабга ўн йил директорлик қилди. У ўзининг маориф соҳасидаги фаолиятида юзлаб иктидорли шогирдларни тарбиялади. Бугунги кунда улар халқ хўжалиги-

нинг турли тармоқларида муваффақият билан ишлаб келмоқдалар. Улар орасида олимлар, шоир ва ёзувчилар, давлат арбоблари бор.

Қирғизистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Шарифахон ая Аҳмадбоева минбарга кўтарилиб, Инобатхон ая Мўминова ҳақида хаяжон билан сўзлади. Биргина кизи билан эрта бева колган И. Мўминова уруш йилларида болалар ва ўспиринларни мактабга жалб этиб, уларга ок-корани танитди, минглаб ўғил-кизларнинг устози бўлиб колди. Халк бошига оғир синовлар тушган кезларда у ўзини четга олмасдан, эркаклар каторида туриб ишлади. Шунинг учун ҳам И. Мўминова жалолободликларнинг ёдида энг аввало юксак эътиқодли маърифатпарвар аёл сифатида сақланиб колди.

“Ёғду” газетасининг муҳаррири Қ.Иброхимов, Тошбулок кишлоқ кенгашининг раиси Ч. Макайлов, Сузук туман маориф бўлимининг мудираси М. Азимжонова, Хонобод шаҳридаги “Дўстлик” фирмасининг раҳбари Р. Усмонов, кекса педагог Х. Собиров, Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг Конун чиқарувчи йиғини депутати А. Собировлар ҳам Саъдулла Акбаров ҳамда Инобатхон Мўминова тўғрисида энг самимий фикрларни билдириб, уларнинг ишларини кейинги авлодлар давом эттираётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. С. Акбаровнинг кизи Мунаввархон опа ва И. Мўминованинг кизи Маликахон опа ўзлари учун энг азиз инсонлар ҳақида билдирган самимий фикрлари учун чиқиб гапирганларга, келган барча меҳмонларга ташаккур изхор этдилар.

Бу тадбир ҳаммада катта таассурот колдирди. Умид киламизки, бундай хотира кечаларини ўтказиш одат тусига киради.

## МУНДАРИЖА

Сабоқ .....	1
Ўкинч .....	3
Бахт излаб .....	6
Тузоқ .....	8
Хавфли усул .....	11
Пушаймон .....	12
Қўшмачи .....	15
Қотил ота .....	17
Қилмиш-қидирмиш .....	18
Сохта ёзувчи .....	19
Сиз йўқсиз .....	20
Она қалби .....	21
Ватан .....	24
Унутилмас сиймолар .....	28

*Қўлингиздаги китобча Қирғизистон эркин ёзувчилар уюшмаси аъзоси Розия Холхўжаеванинг олтинчи тўпламидир. Тўпламга кирган ҳикоялар, публицистик мақолаларда муаллиф адашган одамларнинг тақдирини қаламга олади, Ватан қадрни, унинг истиқболини яратувчи ёшлар ор-номусли, матонатли бўлиши кераклиги тўғрисида фикр юритади.*

*Адабий-бадиий нашр*

РОЗИЯ ХОЛХЎЖАЕВА

ЎЎЛИНГДАН АДАШМА

*Ҳикоялар ва публицистик мақолалар*

Мухаррир О. ОМОНОВ  
Мусаххих М. АХМАДЖОНОВА  
Техник муҳаррир Х. МАКСУДОВ  
Саҳифаловчи У.ДАДАБОЕВА

Теришга берилди 12. 07. 2003 й.  
Босишга рухсат этилди 14. 10. 2003 й.  
Бичими 60/84  $\frac{1}{16}$  Босма тобоғи 2,5.  
Буюртма 1534. Нусхаси 500

---

Ўш вилоят босмахонасида босилди  
Ўш шаҳри, Курмонжон додхо кўчаси, 209.

